

Маҳалланда ўтказилган кўчатнинг сен юрадиган кўчага сояси тушади, дея тўри айтилган. Дарҳақиқат, қишлоғингизда бой чикса, лоқал тўй қилиб ош едиради-ку! Шу сингари ер олиб фермер бўлаётган миллионерлар орттирган пулларини чўнтақларига жойлаб индамасдан кетишмапти.

Наманган туманидаги ана шундай замонавий бойлар ҳиммати бунга мисол. «Пахтакор» ширкат хўжалигидаги фермер М.Ақбаров ўтган йилда пахтадан мўмайгина даромад эгаси бўлди ва бир гуруҳ ҳамкасблари билан Тепакўрғон қишлоғидаги эски, фойдаланилмасдан ётган бинони таъмирлаб, замонавий қишлоқ врачлик пункти учун топшириш ташаббускори бўлди. Ҳозирги кунда у зарур тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Бошқачасига айтганда терапия, физиотерапия, педиатрия, акушерлик-гинекология, тахлихона, эмлаш, муолажа бўлимларидан иборат шохобча фаолият кўрсатмоқда. Яна бир қувончли жиҳати, шифо масканида врач ҳамда ўн нафар ўрта малакали тиббиёт ходими ҳам хизмат кўрсатмоқда.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Поп туманида бизнес мактаби биноси қайта таъмирланиб, касб-хунар коллежига айлантирилди. «Наманганжамияти» асоцияциясига қарашли 131-хўжалиқларро механизациялашган кўча жамлама ва бошқа қатор йирик қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ёрдамида ушбу йирик иншоотда 700 миллион сўмдан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 750 ўринли билимгоҳда талабалар танлаган мутахассисликларини пухта эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган.

ДИЛАФРЎЗНИНГ ГИЛАМ ТЎҚИШ КОРХОНАСИ

Вилоят тадбиркорлари орасида аёлларнинг кўпайиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Чортоқ туманида туғилиб ўсган Дилафрўз Абдувалиева фаолияти бунга мисолдир. Қўлигил чевар сифатида ҳам қишлоқлари орасидан ўнлаб шогирдлар тайёрлаб чиқарган Д. Абдувалиева яна бир савобли ишга қўл урди. Шахсий жамғармаси ва давлатдан олган кредити эвазига зарур дастоҳлар сотиб олиб, гилам тўқиш кичик корхонаси очди. Ҳозир бу ерда ўн беш нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 10 январ, жума № 6 (1431)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ! МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ БОЛАЛАРИ

ўзларига кўрсатилган меҳр-мурувватни бир умр эслаб қоладиган бўлдилар

Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларида Янги йил шодиёналари кенг нишонланмоқда. Фарзандларимиз киши таътиллари мазмунли ўтказиш билан бирга маданий-маънавий озуқа олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Президент арчасидан бошланган эзгу ва савобли ишлар ватанимизнинг барча гўшаларида давом эттирилмоқда. Бунда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Янги йил байрамини болажонларнинг ёдларида сақлаиб қоладиган даражада қизиқарли ва мазмунли ўтказиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. - деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Озодхон Мухитдинов. - Таъкидлаш лозимки, айниқса, жойлардаги Меҳрибонлик уйлари, мактаб интернати тарбияланувчилари, ота-онасиз, боқувчисини йўқотган болалар, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларининг кўнгилларини кўтариш, совға-саломлар, томошаларга таклифномалар улашишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу тадбирлар болажонларга шодлик ва қувонч келтирган бўлса, биз катталар ўзимизни гоёта бахтиёр ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, диёримизда болажонларимизнинг севимли байрами - Янги йил арчаси тантаналари ажойиб совғалар ва қизиқарли саргузаштларга бой бўляпти. Аҳамиятли томони шундаки, жойлардаги касаба уюшма кўмиталари байрам кунларида кўнгли ярим ўнгил қизларни хушнуд этиш, уларнинг кайфиятларини кўтариш мақсадида савобли тадбирларни амалга оширдилар. Хусусан, уларни театр томошаларига олиб бориш, қизиқарли жойларга саёҳатлар уюштириш билан биргаликда бемор болаларнинг ҳолидан хабар олиб, «Қорбоблар» совғаларини топширдилар.

Бундай тадбирлар барча вилоятларда жуда кўтаринчи руҳда, аъло даражада ўтказилди. Болажонлар учун вилоятларда-

ги энг муҳташам санъат саройлари, маданият уйлари бериб қўйилди. Биргина Фарғона вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан Янги йил байрами тадбирлари 132 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунинг 12 миллиони касаба уюшмаларига тегишлидир. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан Марғилон ва Қўқон шаҳар Меҳрибонлик уйлари, Боғдоқ туманидаги махсус интернат тарбияланувчилари, Фарғона шаҳридаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совғалар топширилди. Вилоят юқумли касалликлар шифохонасида даволанаётган болажонлар ҳам ушбу савоҳатдан баҳраманд бўлдилар.

Айниқса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг фарзандлари ва кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари учун ўтказилган Янги йил арча байрами ҳам болажонларга олам-олам қувонч бахш этди. Ушбу мақсадлар учун 46 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Худди шундай тадбир «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлиб ўтди.

Болажонлар бизнинг порлоқ келажагимиз. Уларга гамжўрлик кўрсатиш, саломатликларини муҳофаза этиш, соғломлаштириш, ҳар томонлама камол топишларини таъминлаш давлатимиз сийёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, касаба уюшмалари ҳам бу ҳайрли ишларда ўз ҳиссасини қўшишда давом эттаверадилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, ЎЗКУФК матбуот котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги фармойишида кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқароларга, шунингдек ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш муҳим вазифалар деб белгиланган эди.


ЭЛДА БЎЛСА, КЎНГИЛ ТЎҚ

Қашқадарё вилояти шаҳар, туман ҳокимликлари «Маҳалла» хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда жойларда маънавий, ахлоқий, тарбиявий ва энг яхши миллий анъаналарни тарғиб қилиш ҳамда одамлар онгига синдириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар. Ушбу мақсадда тузилган ишчи гуруҳлари аҳолига аънавий урф-одатлар, 741 нафар фахрийларга «Олтиариқ», «Товоқсой» ва «Косонсой» санаторийларида даволаниш учун йўланмалар ажратилди. Бундан ташқари, республика Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти клиникаси ва шохобчаларида юздан ортиқ қариялар соғломлаштирилди. Протез-ортопедия маҳсулотларини сўраб мурожаат қилган 109 ногирон тўлиқ таъминланди.

Ҳомийлар маблағини жалб қилган ҳолда вилоят бўйича 1800 га яқин ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга 140 миллион сўмдан ортиқ манзилли ёрдам кўрсатилди. Бу ҳар бир ёлғиз қарияга ўртача 78,5 миң сўмдан тўғри келди. Яқинда Қарши шаҳрида кекса журналист Исроил Жалилов ва тажрибали сув хўжалиги ходими Муҳаммади ота Рўзиевни учрашиб қолдик. Уларнинг руҳи тегиш, кайфияти баланд эди. - Қадимий кадриятларимиз тикланаётганлиги қалбимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди, - дейишди меҳнат фахрийлари.

Ҳа, маҳалла ёшларини мустақил қилишимизга, Ватанимизга садоқат, миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялашда қарияларнинг ўрни беқиёсдир. Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

«Муборак нефтгаз конлари» бошқармаси жамоаси 2003 йилни кўтаринки кайфиятда бошлади. Бошқармага қарашли «Кўкдумалоқ» нефт ва газ қазиб чиқариш конида шу кунларда иш қизғин. Республикаимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишида «Кўкдумалоқ» нефт ва газ қазиб чиқариш конининг аҳамияти беқиёсдир. Суратда: Марказий бошқарув бўлими сменна бошлиги Икром Эшмуродов. Суратқаш: Р.ЖУМАНАЗАРОВ (ЎЗА)



МАҲАЛЛА - МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида мамлакатимизда жорий йил Президентимиз Исроил Каримов томонидан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган ишчилик билан ўтказилган йилнинг ана шу мавзуга бағишланди. Марказ раҳбари А.Болиев бошқарган мазкур тадбирда Обод маҳалла йилининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, маҳаллаларда тарғибот ва тасвирчанлигини ошириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ўсим-йиллар онгидан дунёқарашни тўғри шакллантиришда маҳалланинг ўрни билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди, қизгин баҳс-мунозаралар бўлди.

ҚОРОВУЛБОЗОРДА КОЛЛЕЖ

Нефтни қайта ишловчилар, қончилар ва қувувчилар шаҳри Қоровулбозорда 450 ўқувчига мўлжалланган саннат-транспорт йўналишидаги касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. «Бухоросувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари бу ерда 1,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Таълимнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланган қўрам ва ёруғ аудиториялар, компьютер синфи, фан кабинетлари, 100 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ошхона, мажлислар зали, спорт зали ва бошқ. биноларга эга бўлган коллеж мажмуида ёшларнинг яхши ўқушлари ҳамда хунар урганишлари учун барча шароит яратилган. (ЎЗА)

Сизларнинг орангиздан Сирдарёни кўтараман, унинг аввалги шухратини тиклайман, деб майдонга чиқадиган ор-но-муносиб банд, қатъиятли одамларни қидираман...

(Президент Исроил Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан). Кўча Мирзачўли азалдан ирода ва матонат синови, йилитликнинг тобланиш майдонига қўйлаб келишган. Утган авлод ер очиб, азим чўл ўрнида серхосил далавлар барпо этди. Улар ўз чекига тушган юмушни аъло даражада удралашган эди, десак сира мулобага эмас. Бу буюк меросга садоқат, заминга муҳаббат қўриқда улғайганларга хос одатга айланди. Асл чўлуқварлар авлодлари тобора томир ёймоқда. Уларнинг ғайрати, шижоати, ташаббуси тилларда дoston бўлмоқда. Менинг мулким, менинг ерим, менинг ор-номусим дегувчилар сони ортгандан ортиб бораётир.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз дейишмоқда сирдарёлик марди майдон фермерлар

Хисобласин, деган ақидага қатъий амал қилинди. Бултур киши бошига 1,5-2 тоннадан сабзи, турп, шолғом тақсимланганлиги ҳам ана шу тадбиркорлик шарофати. Самаралли меҳнат натижаси ўлароқ ўтган йил якунига қўра галлардан 2 миллион, пахтачиликдан 5 миллион сўмдан ошдик соф даромад олинди. Деҳқонликнинг бош тамойили - меҳнатда, ҳосилдорликни ошириш йўли билангина мақсадга эришиш мумкин, дейди Тоҳир Эркабоев. Ҳолва, деган билан оғиз чўчи-майди. Ерга эга бўлиш осон, аммо деҳқон бўлиш мушкулдир. Зубайдулла Напосов ер эгаси бўлган, ишни ўзига хос усул билан бошлади. У дастлаб далада шийлон қурди. Пайкал бошидан мўъжазгина деҳқонлар уйи барпо этди. Сўнгра, деҳқон қаноти бўлиши техникага эътиборни қўйди. Ҳа, муҳандис эмасми, «пўлат отни қадрлади. Эски-тускини эпакда келтирди. Деҳқонча айтганда, у даладан топганини темир-тераска сарфлади. 3 та «Алтай» ер ҳайдаш, 7 та

Сабоқ

МТЗ-80 тракторини ва 8 та телекани оёққа тургазиб олди. Ўз фермер хўжалигида техника таъмирлаш устaxonаси - кичик машина-трактор паркига асос солди. Тасарруфидоги экин майдонини 256 гектарга етказди. Бугун Меҳнатобод туманидаги Эргаш Қаҳоров номи хўжалик худудидаги Зубайдулла Напосов бош бўлган «Сўғдиёна» фермер хўжалигини вилоятда ҳамма биланди. Бу ерда ўзига хос иш усули мавжуд. 35 нафар ишчига худди корхонадаги каби ўртача ойлик маош белгилиниб, у ҳар ойда мунтазам тўлаб борилади. Кўп қаватли эди. Тармоқчи ривожлантириш, сифатли ва кўп маҳсулот олиш Маъмур ақанинг қудалиқ ташвиши. Натига ҳам чакки эмас. Утган йили 338 тонна галла, 230 тонна пахта, 10 тонна сўт, 5 тонна гўшт сотишга эришди. Биргина пахтачиликдан 42 миллион, бугудойдан 15 миллион даромад қилди. Ялпи даромад эса 63 миллион сўмдан ошди. Қарийб 20 миллион сўм соф фойдани ташкил этди.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз дейишмоқда сирдарёлик марди майдон фермерлар

Маъмур ақанинг ютуқлари ҳам, муваффақиятлари ҳам кўп, - дейди Оқ олтин туман агрофирмаси раҳбари Сайфиддин Исроилов. - У бошлик жамса фермерларнинг «Ташаббус» талповида қолди чикди. Республика беллашувида эса учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Маъмур ақадиги фазилатлардан бири - ишчи меҳнатини қадрлайди. Уларга муносиб иш шароити яратилганлиги, Ходимларнинг муносабати ҳам шунга яраша. Чорва қишлоқидан жониворларни беталоқ олиб чиқишга пухта замин яратилганлиги бугунги кунда айниқса кўзга ташланмоқда. Сирдарёда гурурли, ор-номусли, азму-шижоатли фермерлар кўп. Улар воҳ шухратини тиклашга астойдил бел боғлашган. Биз қаламга олган фермерлар эса ана шу марду-майdonларнинг вакиллари. Бугун деҳқонлар руҳияти ўзгача. Улар ўз куларига ва эртанги куларига қатъий ишонмоқдалар. Ишонч эса хамиса инсонга қанот бағишлайди. Нурилла ШАМСЕВ, «Ишонч» муҳбири.

«Ишонч» фoш этади ЯСАМА «ГУВОҲНОМА» ЛАР КИМНИКИ?

Пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонларнинг манзиллини яқин қилиш учун «Тошхажар йўловчи транса» Давлат уюшмаси қорхоналарига қарашли 1100 та автобус, 150 та троллейбус ва 150 та трамвай хизмат қилмоқда. Бундан ташқари метро ҳам йўловчилар учун энг қулай транспорт воситаси сифатида қолмоқда.

Шаҳар транспортдан аҳолининг даярли қўлчилик қисми фойдаланади. Шу бoис уюшма раҳбарияти йўловчи ташши маданиятини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Янги замонавий «Mercedes» «Map» русумли автобуслар йўловчиларнинг узогини яқин қилмоқда. Кўпчилик аҳоли транспортдан бепул фойдаланиш қимматга таллуқли эканлигини яхши билмайди, ёки билса ҳам бепарволикча муносабатда бўлади. Ёки жамоат транспортларида бепул юриш учун ясама йўл қарточкалари ва «гувоҳнома»лардан фойдаланади.

Барча жамоат транспортларида ноконуний қувувишлар талайгина, - дейди Транспорт хизмати сифатини назорат этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Равшан Содиқов. - Утган йилнинг январидан декабргаича 1819 та ана шундай қалбаки ойлик йўл қипталари йўловчилардан олиб қўйилган. 11728 та бепул юриш ҳуқуқини бермайдиган «гувоҳнома»лар ўз эгаларини тарк этди. Шунга қарамасдан, қамдан-кам йўловчилар шахсий гувоҳномаларини суриштириб келишди. Йил давомида қондабузар йўловчилардан уюшмага келтирилган зарар 489 миллион 417 миң сўмини ташкил этди. Йўл ҳақини тўламай, «қўён» бўлаётганларни аниқлаш, уларни жаримага тортиш учун 16 нафар ходим бевосита жалб этилган. Улар томонидан ҳар кун 10-15 нафар транспортда ноконуний юраётган йўловчилар аниқланмоқда. Масалан, Исқандар Қаниповга тегишли транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи 226408 рақамли гувоҳнома сохталаштирилиб, номаълум йўловчи ундан фойдаланиб юрган. Шунингдек, Галина Липинская тегишли 005739 рақамли, Любовь Кулака тегишли 233033, Ольга Копосовага тегишли 009956 рақамли гувоҳномалар ҳам уларнинг қариндошлари ҳамда нотаниш фуқаролар томонидан олиб юрилганлиги ҳодимлар томонидан аниқланган. - Бундай мисолларни қўллаб келтирса бўлади, - сўхбатни давом эттиради Р.Содиқов. - Лекин, ҳайдовчи ва қондукторларни ҳақоратлаб кетаётган йўловчилар ҳам учраб туради. Биз бундай муш-тумўрларнинг бир негачасини аниқлаб, ички ишлар бўлимига топширдик. Газетамизда ушбу мақола чоп этилиш арафасида «Тошхажар йўловчи транса» Давлат уюшмаси муталари йўловчилардан олиб қўйилган, 2003 йилдаги сохта гувоҳнома ва йўл қарточкалари хусусида сўраганимизда: улар ҳозирча бундай вазият қузатилмаганини таъкидлашди. Илоҳо, хамиса шундай бўлсин! Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ, «Ишонч» муҳбири.

2003 йил
учун

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

1

Жамоа шартномалари «Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига бирилган касабга уюшмаларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш шарафига» Харажат дастурида белгилаб берилган касабга уюшмаларнинг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, жамоа шартномаси – корхона (ташкilot, муассаса)да иш бeрyвчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, касбга оид муносабатларни тартибга солишчи ва барқарорлаштирувчи норматив ҳужжат эканлигини меҳнатқашлар ҳамда иш бeрyвчилар англаб етмоқдалар.

Жамоа шартномалари ходимлар билан иш бeрyвчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бeриш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб бeрган.

Жамоа шартномаларини, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсунгани ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи бeрилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномасининг амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаражатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касабга уюшма кўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан

1 Куйида «корхона» деб юритилади

жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш бeрyвчи билан касабга уюшма ўртасида музокаралар олиб бeрилади. Бунда касабга уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бeриш учун томонларнинг баробар сонли вакилларида иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бeриладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик бeрилади.

Иш бeрyвчилар касабга уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи қўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб бeришга мажбур дeрлар.

Иш бeрyвчилар касабга уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органига музокаралар учун ўзларидеги зарур маълумотларни бeришлари шарт. Музокара қатнашчилари, музокара олиб бeриш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сирини бўлса, уларни ошкор қилмасликларига керак.

2

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзарига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бeрyвчи эши учун зарур чоралар ҳақидаги тўғал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқуллаганидан кейин уч кун ичида имзо чекиши шарт.

Иш бeрyвчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар куйидагилар учун жавобгар бўладилар:

– жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдирish юзасидан олиб бeриладиган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгиланган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

– музокаралар олиб бeриш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бeриш учун қеракли ахборот тақдим этмаганлик учун;

– жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.

Касабга уюшмаси ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил

қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўриши шарт.

Иш ҳақида доир масалалар жамоа шартномаларида алоҳида ўрин тутмоғи лозим. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли Қарориде касабга уюшмалари ва зирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар қўриш, чора-тадбирларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш бeрyвчиларнинг моддий жавобгарлиги чораларини назарда тутиш тавсия этилган.

Айнан шу қарор билан ҳўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкilotларга меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини бир ой муддатда қайта қўриб чиқиш юклатилган.

Корхоналарда амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини қайта қўриб чиқиш зарурати меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантиришда тарифлар роли кескин пасайиб кетётганлигининг оқибатида. Қўллаб қорхоналарда қабул қилинган тариф сеткаларига асосан ўрнатилган тариф ставкалари (лавозим маошлари)нинг барча тўловларнинг умумий миқдориде

3

ги улуши 40 фоизга (айрим ҳолларда 25 фоизга) етмайди. Бундай ҳол иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини пасайтириб, унинг кафолатланган қисмининг қамайишига олиб келмоқда. Баъзи корхоналарда меҳнат ҳақи деб ҳисобланмайдиган ҳар хил компенсация тарзидаги тўловлар (овқатланиш учун тўловлар, шахар транспортда юриш учун компенсациялар ва ҳоказо) миқдори асосий ходимларнинг иш ҳақидан ҳам кўп бўлиб, ходим даромадларини унинг ишчанлик қобилиятлари ва меҳнатнинг натижалари билан боғлиқ бўлмаган омилларга қараб қилиб қўймоқда. Айни пайтда кўллаб жамоа шартномаларида кўра корхона иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашганда иш бeрyвчи ходимларга меҳнат ҳақининг фақат тариф қисми тўланишини кафолатлапти.

Бундан ташқари, айрим ҳўжалик бирлашмаларининг, корхоналар ва ташкilotларнинг бошқарув органларида юқори лавозимдаги мансабдор шахслар тариф коэффицентларини оширишга йўл қўйилмоқда, баъзида бунинг эвзига ишчиларнинг тариф коэффицентлари пасайтириб юборилмоқда. Бундай фактлар ходимларнинг иш ҳақи бўйича асосий табақаланишга ва меҳнат жамоаларида ижтимоий тангликка олиб келмоқда. Ишчиларнинг разрядларига коэффицентлари ҳаттоки Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 июлдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 280-сонли қарори билан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига нисбатан ҳам пасайтириб юборилиши ҳоллари ҳам йўқ эмас. Агар жамоа шартномасида «0»-разряд ставкаси белгиланмаган ва иш бeрyвчи уни ўз ҳошига кўра ўзгартириб бeриш имкониятига эга бўлса, бундай ҳол меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида камситишларга олиб келиши мумкин.

Касабга уюшмаларининг фикрига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат меҳнатқашлар вакиллари ва иш бeрyвчилар ўртасидаги жамоа музокаралари жараёнида тармоқ хусусиятларини инобатга олиб ўрнатилиши лозим, музокаралар натижалари эса жамоа шартномалари ва келишувларида мустаҳкамлаб қўйилиши шарт.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли «Пул мабғаларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 2002 йилнинг 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкilotларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган мабғаларнинг давлат томонидан тартибга солиб туриш бекор қилиниб, бу билан иш ҳақи масалалари доир жамоа музокараларида касабга уюшмалари учун янги имкониятлар яратилди.

Бюджет ҳисобидан молиявий хижатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкilotларнинг, шунингдек, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади, бу эса иқтисодийнинг мазкур секториде меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги жамоа музокаралари эркинлигини бирмунча чеклаб қўйдиган омилдир. **(Ушбу тармоқлар ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва уларга бeриладиган ижтимоий кафолатлар хусусида келгуси сонларда батафсил маълумот бeрилади).**

Жамоа шартномаларида, шунингдек, гендер муносабатлари, ногиронлар, пенсионерлар, ишлаётган байналмилаллик жангчилар, Чернобил АЭС фалокати оқибатларини бeрyвчи тартибга қатнаш-

ганлар ва 18 ёшга тўлмаган ходимлар ижтимоий ҳимоясига тааллуқли масалаларни акс эттириш мақсада мувофиқдир.

Мазкур тавсияларда 2003 йил учун жамоа шартномаларини тузишда эътибор бeриш мақсада мувофиқ бўлган асосий масалалар келтирилган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамоа шартномаси томонлари.

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.

1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касабга уюшма кўмитаси тақдимномаларини иш бeрyвчи томонидан қўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан қўриладиган чоралар.

1.7. Келишимовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Касабга уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлиги негизи эканлигининг эътирофи этилиши.

2.2. Иш бeрyвчи томонидан касабга уюшма кўмитасининг корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касабга уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул

ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсада мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4. Иш бeрyвчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касабга уюшма кўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касабга уюшма кўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касабга уюшма кўмитасининг уставиде белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касабга уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг _____% миқдориде пул ўтказиб бeриш.

д) ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш учун касабга уюшмалари жамғармасига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,7% миқдориде пул ўтказиб бeриш.

2.5. Касабга уюшма кўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилмаслиги кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўлашни, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар бeрилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавф-

5

сизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бeрyвчи эшилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва санаят санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш бeрyвчи томондан тегишли чоралар қўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳолининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касабга уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бeриш, можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар қўриш;

з) касабга уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақини

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари

3.3. Хом ашёни етказиб бeриш шартномалари

ри ва тайёр маҳсулотини татиш

3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкilotлар фаолият кўрсатишининг шартлари

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бeриш тадбирлари

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шартшароитлари

IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1. Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш

4.2. Хусусийлаштириш ва корхона мулкни баҳолаш бўйича комиссия таркибида касабга уюшма кўмитаси вакилларининг иштирок этиши

4.3. Акцияларни чиқариш ва тақсимлаш тартиби, меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш

4.4. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби

4.5. Аввал тузилган жамоа шартномасининг корхона хусусийлаштирилгандан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари

V. МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва

6

миқдори, пул мукофотлари, қўшимча тўловлар, нафақалар, компенсациялар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар. Нархларнинг ўзгариб бeриши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган ҳарсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

(Қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фойз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий сугурта ва касабга уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш)

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разряднинг мазкур корхонада ўрнатилгандан ставкаси, ўртача иш ҳақининг етказиладиган даражаси

5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш бeрyвчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик. Иш бeрyвчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахснинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан қўриладиган чоралар

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатилиши.

5.5. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси билан албатта келишиб олиш.

5.6. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низо.

5.7. Ишлаб чиқариш нормаси қамайтирил-

ган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати.

5.8. Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- нуқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

- кечки, тунги сменалардаги ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;

- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

- ходимнинг хизмат даврида қўриб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга қўчиб бeриш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

- қишлоқ ҳўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

- иш бeрyвчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

- иш бeрyвчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарига бўлиш, тиббий қўриқдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимини ишдан озод этиш шартлари, шунингдек аша ну

ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

7

давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори;

5.9. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.10. Кўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

VI. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўқис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш заруряти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларининг қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларининг ноқулай тарзда ўзгаришига олиб

келадиган бўлса) касба уюшма кўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.6. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.7. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларнинг сонини чегаралаш, ўриндошликни таққиллаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллари бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўштирилишига йўл қўймастик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари;

6.8. Меҳнат шартномаси томонларнинг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим кел-

тирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъводидан воз кечиш ҳоллари.

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўливларнинг рўйхати.

VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шартномасида ишларда банд бўлган ходимлар учун; (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

- меҳнат шартномаси ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

- I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

- алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шартномаси ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қароридан кўрсатилган меъёрлар)

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228*-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги.

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътиллarning энг кам муддати.

7.7. Кўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, кўшимча таътиллари муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.8. Йиллик кўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.9. Табиий-иклим шартлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик кўшимча таътил бериш масаласи.

7.10. Йиллик таътиллари учун ҳақ тўлаш муддатлари.

9

7.11. Болалик аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

7.12. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллари бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдирилмаган кўшимча таътиллари (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари.

VIII. МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

(Мақсуд боб бўйича батафсил тавсиялар келгуси сонларнинг бирида чоп этилади).

IX. МЕХНАТ ИНТИЗОМИ

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифалари бажарилишининг мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона кўлланими, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши.

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш.

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стаж саналарини нишонлаш.

X. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мақсуд бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидан режалаштириш мақсадага мувофиқ дид).

10.1. Болалик аёлларга бериладиган кўшимча имтиёзлар.

Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, аввалги йилларда ўрнатилган куйидаги имтиёзларни сақлаб қолиш мақсадага мувофиқ дид:

- болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўланмалар қийматини қисман қоплаш;

- ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;

- ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шугулланишлари харажатларини қоплаш;

- болалик аёлларга қисқартирилган иш кунини кўшимча дам олиш кунини берилишини таъминлаш;

- штатлар қисқартирилганда болалик аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;

- корхона ҳисобидан туғиш таътиллари хомилдорликнинг 5-6 ойидан бошлаб бериш;

- 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, кўшимча ижтимо-

10

ий сугурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санаторий-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.

10.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун кўшимча имтиёзлар.

10.4. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган кўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шартномасида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.5. 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан яқин атрофдаги маҳаллага ҳоимийлик ёрдам кўрсатиш, бўш иш ўрниларига маҳалла ёшларини жалб этиш назарда тутиш тавсия этилади.

XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2. Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари,

клублар, маданият саройлари ва уйлари Ўзбекистон Республикаси Президентини асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар (шу жумладан, «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобчаси) ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун ҳўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5. Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6. Тарихий ёдгорлик мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёхатлар уюштириш.

11.7. Меҳнатқашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошасига ташрифини уюштириш, уларни ҳўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика Ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9. Меҳнат жамоаларида ҳўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10. Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11. Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидagi спорт иншоотларини зарур жи-

11

XII. МЕХНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолати комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.

XIII. КАСАБА УЮШМА КЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касба уюшма ходимларининг меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стаж сақлаб қолиниши.

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари ва меҳнат низолати комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнатқашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касба уюшма сайланма ходимларининг касба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш.

Жамоа шартномасига илова-ларнинг тавсиявий рўйхати

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув.

ҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12. Меҳнатқашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, улар ва ота-оналарнинг спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, голибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15. Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ҳамда Президент асарлари ва янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17. Тасарруфидagi оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун кўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Корхона ва ўқув юртлари қошидаги санитарий-профилакторийларда мактаб ўқувчиларини таътил даврида ўз ота-оналари билан биргаликда стационар ёки амбулатория тарзида соғломлаштириш.

2. Ходимларни жорий мукофотлар тўғрисидаги низоми.

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низоми.

4. Корхонада қабул қилинган тарификация.

5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низоми.

6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низоми.

7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низоми.

8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низоми.

9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низоми.

10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низоми.

11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа яққа тартибдаги химоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати.

12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати.

13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати.

14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари.

15. Кўшимча таътил ва қисқартирилган иш кунини ўрнатилмаган ноқулай меҳнат шартномасидаги касб ва лавозимлар рўйхати.

16. Ички тартиб қоидалари.

17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати.

18. Йиллик узайтирилган ёки кўшимча таъ-

тил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати.

19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда кўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низоми.

20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низоми.

21. Корхона капитал таъмирлаш ишлари режаси.

22. Қишки-баҳорги ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш режалари.

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгариш ва кўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасининг ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) олдига ҳисобот берадилар.

Ўзбекистон КУФК бўливлари.

Бугунги кунда Жарқўгон туманида 400 ўринли шифохона мавжуд бўлиб, унда малакали врачлар ҳамда ўз касбини ардоқлаган ҳамширалар меҳнат қилишапти.

ШИФОКОРЛАР НАЗОРАТИ ва тиббий кўрик ўз самарасини бермоқда

— Яқинда хомийлар ёрдамида шифохонамизнинг 85 ўринли акушерлик-туғруқ мажмуи қайта таъмирланиб, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Жарроҳлик бўлими эса қайта таъмирдан чиқиб арафасида, дейди бош ҳақим Уроқ Бобомуродов. Айтиш жоизки, марказдаги ҳамма бўлимлар газлаштирилган. Қиш тадоригини ёзда кўр, деганларидек, қишлоқ врачлик пунктлари учун 200 тоннадан ошиқ кўмир ёздаёқ ҳамлаб қўйилганлиги асқотяпти. Туман аҳолиси 150 минг нафар кишидан ортиқ бўлиб, туғиш ёшидаги аёллар 35 минг нафарни ташкил этади. Хомилдор аёллар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. 30 мингдан ошиқ ўсмирлар соғлиғи катъий назоратга олинган. Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, болалар ногирон бўлиб туғилишининг олдини олиш мақсадида «Шахсий гигиена», «Соғлом ондан-соғ-

лом бола туғилади», «Она сутининг аҳамияти» мавзуларида тез-тез суҳбатлар уюштирилмоқда. Туман поликлиникасида қизларни гинекологик кўриқдан ўтказиш хонаси ташкил этилганлиги ўз самарасини бермоқда. Соғлиқни сақлаш ходимларни ижтимоий Ҳимоясига ҳам, бу ерда эътибор ўзгача. — Тармоқ ходимларимизнинг 750 дан зиёд фарзандлари болалар оромгоҳида дам олдирилди. 45 нафар меҳнат фахрийлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат қилиб қайтишди, дейди касаба уюшма раиси Абдусамад Эшдавлатов. Биз бош шифокор билан хайрлашиб, туғруқхона мажмуи ёнидан ўтиб борар эканмиз, ёруғ дунёга келганини борлиққа овоза қилаётган чақалоқларнинг инга-ингаси кулоққа чалинди. Ҳаёт ўз қувонч-ташвишлари билан давом этмоқда эди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Таълим жараёнини тақомиллаштириш давомида ўқувчиларга пухта билим беришининг самарали усуллари юзага келмоқда. Узвийлаштирилган фан дастурларини тажриба-синновдан ўтказиш бўйича олиб борилаётган кузатиш ишлари ҳам қўйилган натижаларни бермоқда. Узбекистон педагогика фанлари илмий таъқириш институти олимлари ана шу таълимий жараёнга бошчилик қилиб, илгор педагоглар тажрибаларини алмаштириш билан яқиндан шуғулланилди. «Узвийлаштирилган фан дастурларини тажриба-синновдан ўтказиш» деган мавзуда уюштирилган семинарда бу борада эришилган ютуқлар атрофида кўриб чиқилди. Гуманитар, ижтимоий, математик, физик, табиий фанлар шўъбаларида қилинган маъруза ва илмий чиқишлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ақбар АЛИЕВ.

Ямин ҚУРБОН БАЛАНДЛАН, ХЕЙ, БАЛАНДЛАН!

Тоғ бургутин парвози ҳеч паст бўлмас, Тантиллар ҳеч бир-бирига қасд бўлмас. Ичсинки юз бадавлатлик шаробин, Аҳли хушёр лоқал бир маст бўлмас. Накорат. Уланам, хей баландлан, хей, баландлан, Қанотингидир шу улусу шу Ватан!

Буоқлар, бок, ҳар доимо камтарин, Эл дардидан варақлағай дағтарин; Ҳар сўздан чақмоқий нур таралиб, Тараладир мисли хушбўй настарин. Накорат. Мард наздида чинакам дўст- муқаддас, Шаънидир кўз қорачиги ҳар нафас. Бойлиғи мансабидан йўқ таъма, Фақат ўзи тинчу омон бўлса бас. Накорат. Далаларнинг қири бору ўри бор, Ҳар давранинг пойгайи бор, тўри бор. Алломиш, де, юртимнинг ҳар ўғлонин, Юрагининг алангаси, кўри бор.



Босдимми-е кўкни дуд, Дудми, қаранг ё булут?! Ҳаёлимда ҳамон у, Ҳамон бўлмас у унут. Тутар эди қафтида, Ўлтириб ишқ тахтида.

Ёнаман, вох, ёнаман Айрилиқнинг дардида. Накорат: Ташласам кўз қирини, Дук-дук урар юрагим. Узилган ишқ ипини, Келар қайта улагим.

Анов учган, қаранг, хай, Ўрдакми ё чағалай?! Тўлгантирар бу дард гоҳ, Тирналган хом ярадай.


Хом сут эмган бандаман, Ҳаволандим, олгум тан. Номинг айтгум бетовуш, Ўкинч билан, дард билан. Накорат.

БОЛАРИЛАР Табиатнинг мўъжизаси, Заҳматқашнинг ўзгинаси. Олис, олис, олисларни Илгар тийрак кўзгинаси. Покизалар дўстгинаси, Боларилар, боларилар.

Сайр этадир гуллараро, Таратиб шўх, дилбар наво. Эмганларин ҳар тотими Бахш этадир танга сафо. Кезар фарзин айлаб адо Боларилар, боларилар.

Бир-бирига назоратда, Бир-бирига итоатда. Тунлари жам, ўзлари-е Барпо этган иморатда. Хотамдир-е саховатда Боларилар, боларилар.

Чулғаб жисмин ширин ҳаёл, Эмадир бол, эмадир бол. Бол эмадир кулғай гуллар, Фаршатарлар кулган мисол. О, ўргилай, кўрманг завол, Боларилар, боларилар.



Фараҳбахш тадбирлар



Футбол

ЁШЛАРИМИЗ БАА САФАРИДА... Ўтган 2002 йил ўзбек футбол учун анча омадли келди. Аввалига ўсмирларимиз, сўнгра ёшларимизнинг қитъа биринчилигидаги муваффақиятли иштироки, футбол муҳлисари кўтаринки руҳ бахш этди. Ёшларимиз ўзбек футбол тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритдилар.

Олий ўқув юртларига қабулнинг ноанъанавий усули мамлакатимизда амал қилаётганига ҳам анча бўлади. Рухий ҳадик босқичи ортада қолиб, кечаги абитуриентлар бугун талабалик сурури-ю ташвишлари ила билим чўкқиларини эгалламоқдалар. Уларга қараб беихтиёр хавасингиз келади. Машаққатли меҳнат самараси ўлароқ тест саволларига дадил қиринишадиган, мавжуд саволларнинг тўғри ечимини нисбатан қисқа фурсатда топа оладиган бўлиб қолганлари учун ҳам бугун шундай бахтга эришиб турибдилар. Энг қувонарлиси, юқори балли олиб талабалikka қабул қилинаётган йигит-қизлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Олим нуқтаи назари

доёвул саноеъ» китобини ёки Алибек Рустамовнинг «Навойнинг бадий маҳорати», Шайхзода домланинг поэтик санъатларга доир катор рисолаларини. II жилдлик «Турлар ва жанрлар» номли монографияларни топиб ўқийш лозим. Бу саволларга жавоб топиш ўқувчи туғул тажрибали дан арузининг турли фасллари, васллари, рукнлари, афойиллари, вазни ва парадигмалари хусусида ранг-баранг саволларни қалаштириб ташлаганлар. Шахсан мен, узок йиллар давомида адабиёт назарияси билан шуғулланган киши бўлсам ҳам, арузга, поэтик санъатга доир саволларга жавоб беришда ўзимда қийинчилик сезиб, Умнат Тўйчиевнинг «Ўзбек арузи» монографиясига, Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси», Анвар Хожаяхмедовнинг «Мактабда аруз вазини ўрганиш» номли дарсликларига қараб иш юритаман. Хўп, менда-ку, шундай китоблардан фойдаланиш имконияти бор экан. Бу соҳада тажрибасиз ўқувчи нима иш қила оларди. Кўзни юмиб таваккалчилик асосида тест саволларидан бирини белгилайди, хатога йўл қўяди. Гапнинг қисқаси шунки, аввал илм даргоҳларидан арузини қойил қилиб ўқитиб, сўнг тест орқали талабачлик қилсак ярашади.


ТЕСТ — АДОЛАТ МЕЗОНИ унга заррача бўлсин гард юқмаслиги керак

Лекин, таассуфки, муаммолар ҳам талайгина. Машаққатли довонни ошиб ўтиш ақсарият учун мушкуллик туғдирмоқдаки, бунда ҳам барча айбни ўқувчининг ўзига ағдаринч инсондан эмас. Бизнингча, масалага ҳолис ёндошибгина, унинг ечимини топиш мумкин. Бугунги кундаги тест топшириқлари, маълумки, кўп вариантли тизим асосида, мураккаблик даражаси турлича бўлган илмий, мантқиқий саволлардан ташкил толган. Бизда ҳали-хануз ҳамма соҳалар бўйича қийин ва кам ўрганилган бўлимлар мавжудки, бу кемтиклик, айниқса, аниқ фанларда яқинко намоеън бўлаётди. Мен абитуриентлар турли фанларнинг бўлимлари бўйича ҳар йили ечган тест жавобларини солиштириб чиқиб, шундай хулосага келдим. Масалан, биргина физика фани бўйича берилган маълумотларга қарайдиган бўлсак, қатор йиллар давомида «Электроманнит индукция ҳодисалари», «Тўлқинлар», «Оптика», «Нисбийлик назарияси асослари» бўлимларига оид материаллар мактабда қониқарли ўқитилмаётганлиги, бу соҳадаги етук мутахассислар жуда кам деб эканлиги инобатга олинмай, ўнлаб мураккаб саволлар «Ахборотнома»да эълон қилиб юборилган. Натижа эса ёмондан ҳам ёмон. Аслида физиканинг бу қирралари мактабда деярли ўтилмайди. Бу соҳада мактабларни етарли даражада қоплайдиган кадрлар йўқ. Шундай бўлганда, бу соҳаларни қамраб олувчи бўлимлардан ташкил толган саволларни тестга тиқштиришнинг нима кераги

қилиб, математика фанини текширмоқчи бўлсангиз, кўп жойларда ахлақачон геометрия ва тригонометрия фани ўтилмай қўйган. Бунинг ўрнига стандарт тусга кирган қўлбола «Алгебра» фани ўтилиб қўя қолинади. Шундай бўлганда аниқ фанлар бўйича тест саволларини ечиш йилдан-йилга заифлашавермайди-ми? Худди шундай ҳолатни адабиёт тарихи фани бўйича ҳам кўриш мумкин. Маълумки, ўрта мактабларда адабиёт тарихи назариясини ўргатиш ачинарли аҳволда. Айниқса, бадий санъатларга доир илм, аруз, қофия ва вазнлар бўйича бир қатор масалалар чуқур ўтилмайди. Шунга қарамай, қатор йиллардан буён тест бўйича мураккаб саволлар ёғдириб ташланган. Жумладан, ўтган йили «Ахборотнома»нинг II-сонидаги ружу, тавдил, илтизом, фароз, ййхом, тазил, тумур, тавдид, тасдир, тасбеъ каби ўнлаб лафзий санъатларнинг тест ичига киритилиши фикримизни тасдиқлайди. Ўрта мактаб дарсликларини варақласангиз бу санъатларга доир саволларга мутлақо жавоб тополмайсиз. Ўқувчи бу саволларга жавоб топиш учун энг қамда Атоуллох Хусайининг XV асрда яратган «Ба-

САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

Нишон туманидаги «Нишон» ўрта мактабда бўлиб ўтган саводхонлик байрами Янги йил тантаналарига уланиб кетди. Биринчи синф ўқитувчиси Кичик Холиёрова тайёрлаган байрам дастури барчага бирдек маъқул тушди. Болалар мириқиб ўйин-кулги қилдилар. Хусусан, Баҳовуддин Холтўраҳужаев ёд олган шеър тўпланганларда катта таассурот қолдирди. — Тадбирни уюштиришда ота-оналарнинг кўмагини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, Нуриддин Холтўраҳужаев оиласи ташаббускорлик кўрсатди, — дейди мактаб директори Асал Бахромова. — Ушбу оила саводхонлик байрамининг олдими-кетин ўтказилиши кичкинтойларга олам-олам қувонч бахш этди. Мактабда таълим олаётган болаларнинг 600 нафарини бошланғич синф ўқувчилари ташкил этади. 6 та биринчи синфда таҳсил олаётган кич-



кинтойлар Алифбе китоби дастурини тугаллаб, саводхонлик чўққисига элтувчи илк довондан муваффақиятли ўтиб олдилар. Болалар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам фараҳбахш бўлган ушбу тадбирни мактаб директори Раҳмон Қаршиев очиб, барча-барчани табриклади. Сўнг шеър айтишувлар бошланди, катта-ю кичик шўх мусика садолари остида рақса тушдилар. — Зухра Шаропова, Зокир Ашуров, Санобар Тожиддинова, Нилуфар Жўраева сингари бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларга пухта билим беришда катта тажрибага эга, — дейди мактаб директори мамуният билан. — Уларнинг кўлида таҳсил олган ўқувчилар кейинчалик ҳам қийналмайдилар. Айтиш жоизки, мазкур ўқув йилига мактаб билан биргача чикарилди. Бунда Япония элчихонаси ажратган 89 минг АҚШ доллари грантидан унумли фойдаланилди. Ушбу маблағ ҳисобидан сотиб олинган 11 донна замонавий компьютер, ўқув-техника воситалари, стол-стулар, китоб жавони, 400 донна парта, 200 дан ортиқ қаттиқ ва юмшоқ мебеллар мактаб хоналарини безади.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.

МЕХАНИК ВА ЁЗУВЧИ - ФОЛИБ

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси тармоқ қорхоналарида узок йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда қарилки гаштини сураётган фахрийларимизга бўлган эътиборни янада ошириш мақсадида кўрик-танлов эълон қилганди. Танловни ўтказишдан мақсад темирйўлчилик касбига ёшларимиз орасида кенг қўламада тарғиб қилиш, қарияларимизнинг касбий ва ҳаётий тажрибаларига ҳурмат билан қараш ва уларни эъзозлаш эди. Йил давомида тармоқ рўзномаси «Темирйўлчи» саҳифаларида темир йўл қорхоналарида узок йиллар меҳнат қилган ва ўз касбига бўлган фидойилиги туфайли фарзандларида ҳам бу касбга меҳр уйғотган қарияларимиз ҳақида кўлаб қизиқарли мақолалар чоп этилди. Ушбу танловда профессионал журналистлар билан бирга жамоатчи мухбирлар ҳам фаол қатнашдилар. Яқинда нуфузли ҳайъат аъзолари танлов фойдаларини аниқлаб бердилар. Фойбаларни аниқлашда чоп этилган мақолаларнинг сонига, ҳажмига ва энг муҳими унинг мазмунига ҳамда мухбирларнинг маҳоратига катта аҳамият берилди. «Турон бобонинг катта йўли», «Севган ишим ҳаётим мазмуни», «Нуксон излаб омуру топан», «Оловли йиллар», «Менинг ҳай ёлми» мақолалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг истиклол гоғларига садоқат руҳида тарбиялашда ҳамда уларнинг онгида бой маданий-маънавий меросларимизни шакллантиришда муҳим рол ўйнаши таъкидлаб ўтилди. Марказий кўмитанинг на-вбатдаги Раёсат мажлиси-

Танлов

да «Йўлрефтранс» қорхонаси катта механиги Ҳамидбой Қодиров ҳамда ёзувчи Адҳам Даминов кўрик-танлов фойдалари деб топилди. Улар Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмалари Марказий кўмитаси томонидан муносиб тақдирландилар.

Абдуманноб ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси МК бўлим мудир.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорня Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Тахрир хайъати: ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланди. Объект усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.